



## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшонқулов Зокир Хурсанбоевич

«BEK YURIST» Адвокатлик фирмаси адвокати

E-mail: zokireshankulov@gmail.com

Тел:(99.851-05-18)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20196013>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-may 2026 yil

Ma'qullandi: 12-may 2026 yil

Nashr qilindi: 14-may 2026 yil

### KEYWORDS

жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқий манбалар, Конвенция, Декларация, резолюция, протокол.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қадимги даврлардан бугунги кунгача бўлган тарихи ва ривожланиш босқичларини ёритиб берган. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар, конвенциялар ва конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларига оид қонунчилиги акс эттирилган.*

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан адолатли муносабатда бўлиш, маҳкумларнинг ҳам инсон сифатида кўриш, уларнинг шани, кадр-қимматини, жамиятда яшаётган инсонларнинг қадри каби олий қадрият эканлиги кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган эмас.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқларига оид ҳуқуқий манбаларни ўрганар эканмиз қуйда келтирилган қонун ҳужжатларини кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

Маҳкумларнинг пайдо бўлиш тарихи инсоният жамиятда давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жазонинг ижро этиш тизимининг эволюцияси билан изоҳланади. Бу жараён тарихан қуйдаги босқичларни қамраб олади:

**1. Қадимги давр (Жазони дастлабки кўринишлари)** Жазо фақат жисмоний азоб бериш (қатл қилиш, тана аъоларини кесиш) ёки бадарға қилиш (сургун) кўринишида бўлган.

Маҳкумлар -жиноят содир этган шахслар озодликдан маҳрум этишдан кўра, жамиятдан ажратиб қўйиш ёки жисмоний йўқ қилиш учун мўлжалланган.

**2. Ўрта асрлар (Қамоқхоналар пайдо бўлиши)** Қамоқхоналар дастлаб фақат тергов вақтида ёки қатл қилишдан олдин сақлаш жойи сифатида хизмат қилган.

Жазо сифатида озодликдан маҳрум этиш кейинчалик иқтисодий эҳтиёжлар (арзон ишчи кучи) ва инсонпарварлик тамойиллари ривожланиши билан пайдо бўлди.

**3. Янги давр ва замонавийлик (Жазони ижро этиш тизими)** Маҳкум тушунчаси қонунийлаштирилиб, суд ҳукми билан белгиланган муайян муддатга озодликдан

махрум этилган шахс сифатида шакилланди.

**Тарихий ривожланиш хусусиятлари:**

**1. Имтиёзларнинг пайдо бўлиши:** Маҳкумларга бўлган муносабатнинг юмшаши билан уларга бериладиган имтиёзлар тизими шакилланди.

**2. Муассасалар турлари:** Жазони ижро этиш муассасалари (ЖИЭМ) махсус режимли, қатъий режимли ва бошқа турларга бўлинди.

**3. Ижтимоий ҳимоя:** Ногирон маҳкумлар ва алоҳида эҳтиёжи бор маҳкумлар учун алоҳида шароитлар яратиш тизими ривожланди.

Қисқача айтганда, маҳкумларнинг тарихи-жисмоний жазодан тузатиш ва қайта ижтимоийлаштиришга (ресоциализация) қаратилган тизимга ўтиш тарихидир.

Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этилмоқда. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир.

Айрим юрист олимларнинг фикрича, жазони ижро этишда вужудга келадиган муносабатлар ушбу жараёнда турли субъектлар ўртасида ва барча турдаги жиноий жазони ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш ва ўташ билан боғлиқ юзага келадиган пенитенциар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар экан.

Дарҳақиқат, жазони ижро этишда ҳуқуқий муносабатлар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб вужудга келади ва маҳкум жазони тўлиқ ўтаб қадар ёки жазодан озод этилгунга қадар давом этади.

Зеро, жазони ижро этиш ва ўташ жараёнида пенитенциар ҳуқуқий муносабатлар ўзининг ҳуқуқий моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда мазмунини ўзгартириши мумкин. Масалан, жазонинг бир тури бошқасига алмаштирилганда ёки маҳкум бир турдаги колониядан бошқа колонияга жазо муддати ўзгармаган ҳолда ўтказилганда содир бўлади.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, пенитенциар ҳуқуқий муносабатларнинг аксарияти маҳкумлар ва жазони ижро этиш давлат томонидан юкланган муассаса ва органлар ўртасида вужудга келади. Жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқ тузатиш воситаларини қўллашда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ва фуқаролар иштирок этади.

Шунингдек, жиноий жазоларни ижро этиш ва ўташ соҳасида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, уларнинг ҳажми ва мазмуни ушбу субъектларнинг ваколатлари ва функцияларига боғлиқ.

Жазони ижро этиш ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни деганда субъектларнинг ҳақиқий хатти-ҳаракати ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг йиғиндиси тушунилади. Зотан субъектларнинг ҳар бири бир-бирига мос келадиган, ўзаро

боғланган тизимни ташкил этувчи ва ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини белгилайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Пенитенциар ҳуқуқий муносабатлар субъектларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг моҳияти ва ҳажми ижро этилаётган жазо турига боғлиқ бўлиб, улар жазони ижро этиш ва ўташ жараёнида, намоён бўлади. Ваҳоланки, қонунда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, қонун маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини, иккинчидан, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарур чораларини белгилайди.

Гарчи амалдаги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилингунга қадар маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми бор-йўғи бир модда билан тартибга солинган бўлса, эндиликда бунга олти моддадан иборат бутун бир боб (2-боб) бағишланади (8-12-моддалар).

Бундан, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган жазо турини ижро этиш ва ўташ жараёнида юзага келадиган субъектлар билан ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси, деган хулоса келиб чиқади. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлили, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунчиликда мустаҳкамланганини кўрсатади.

Жиноят қонунчилиги мазмунидан келиб чиқадики, маҳкум Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг ишончли ҳимоясида бўлади. Демак, давлат уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмонан дахлсизлигининг кафолати бўлиб туради (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-24-моддалари).

Дарҳақиқат, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, шу жумладан маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари (8-модда), асосий ҳуқуқлари (9-модда); юридик ёрдам олиш ҳуқуқи (10-модда), шахсий хавфсизлик ҳуқуқи (11-модда), виждон эркинлиги ҳуқуқи (12-модда) қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Зотан, БМТнинг “Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари”нинг 6, 35, 36-бандларида ҳам ушбу қоидалар акс этган. Эътиборли жиҳати, жазони ижро этиш даврида барча маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланади.

Ҳолбуки, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга йўл қўйилмайди. Жиноят-ижроия кодексида белгиланган истисно ва чеклашлар бундан мустасно. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин эмас, шунингдек, уларда мулк ҳуқуқи сақланиб қолса-да, уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваҳоланки, аввалги қонунларда маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми нафақат қонунда кўрсатилган, балки суд ҳукмида ҳам белгиланган чеклашлар, шунингдек, жазони ўташ режимининг туридан келиб чиққан ҳолда чеклаш имкониятини назарда тутган эди. Амалда, бу ҳолат нотўғри талқин қилиниб, турли хил суиистеъмолликка олиб келди.

Мазкур ҳолат озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишда яққол намоён бўлди. Маҳкумлар қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

- ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

- тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг шу жумладан сурдотаржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

- ўқув, бадиий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

- соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

- об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

- жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши;

- ижтимоий таъминот, шу жумладан қонунчиликка мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар, шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тартиби Жиноят-ижроия Кодекси ҳамда бошқа қонунчилик билан белгиланади. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари:

- жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга;

- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Дарвоқе, маҳкумларнинг ўзларига юкланган вазифаларни бажармасликлари қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлигининг 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 174-сон буйруғи билан ҳам тартибга солинади.

Мазкур буйруқда жазо ўтаётган маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- жазони ижро этиш муассасасининг моддий бойликларини эҳтиёткорлик билан сақлаш;

- меҳнатга виждонан муносабат; — яшаш, иш ва дам олиш жойларида тозаликни сақлаш;

- озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш;

- белгиланган намунадаги кийим-кечак (колония-жойлардаги маҳкумлар бундан мустасно) ва ундаги фарқловчи белгилар;

- жазони ижро этиш учун муассаса ҳудудини ободонлаштириш ва биноларни тозалашда иштирок этиш;

- ишчи асбоблар ва инвентарларни эҳтиёткорлик билан сақлаш;

- белгиланган тартибда хизмат вазифасини бажариш;

- жазони ижро этиш учун ўзаро ва муассаса маъмурияти ходимлари билан хушмуомалаликка риоя қилиш ;

Маҳкумларга қуйидагилар тақиқланади:

- жазони ижро этиш муассасасининг қўриқлаш чизиғини бузиши ва жазони ижро этиш учун муассаса ҳудудидан ташқарида бўлишига рухсат берилган маҳкумларнинг маъмурият рухсатисиз белгиланган ҳудудни тарк этиши;

- маъмурият рухсатисиз бир-биридан ажратилган ҳудудлардан ва турар-жой, ишлаб чиқариш объектларининг маҳаллий зоналаридан ташқарига чиқиб кетиш;

- маъмурият рухсатисиз ўзлари яшамайдиган ётоқхоналарда ёки улар ишламайдиган ишлаб чиқариш объектларида қолиш;

- рўйхатга киритилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, буюмлар, маҳсулотлар ва моддаларни сақлаш;

- бунинг учун белгиланмаган жойларда чекиш;

- моддий ёки бошқа манфаатлар олиш мақсадида карта ва бошқа ўйинлар ўйнаш;

- ўзингизга ва бошқаларга татуировка қўллаш;

- жаргон сўзлардан фойдаланиш, тахаллуслар бериш ва белгилаш;

- фотосуратлар, репродукциялар, откриткалар, газета ва журналлардан қирқишларни турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари деворларига, кўрпа-тўшакларга тортинг;

- маъмуриятнинг рухсатисиз ухлаш жойларини пардалаш ва алмаштириш, шунингдек, коммунал ва бошқа офис ва хизмат хоналарида ухлаш жойларини жиҳозлаш;

- улар яшамайдиган ёки ишламайдиган турар-жой бинолари ва иш жойларида маъмуриятнинг рухсатисиз қолиш;

- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда иш асбоблари, электр энергияси ва бошқа материаллардан фойдаланиш;

- диний экстремистик мафкура ва ғояларни тарғиб қилиш ва ҳар кимни унга риоя қилишга мажбурлаш;

- қушлар ва ҳайвонларни сақлаш, шунингдек боғдорчилик билан шуғулланиш (манзилколонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар бундан мустасно).

Алоҳида аҳамиятли жиҳати, Жиноят-ижроия кодексига биноан, маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар исталган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга уларнинг илтимосига биноан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг вакиллари таклиф этилади.

Маҳкумларга диний маросимларни бажариш, диний буюмлар ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат берилади. Бинобарин, режим талаблари эса, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартибқоидалари, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги ҳақидаги талабни ўз ичига олади.

Ушбу талаблар бажарилган тақдирда уларга кутубхонада жойлашган диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат берилади. Албатта, уларнинг илтимосига биноан жазони ўтаётган шахсларга республикада белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг вакиллари таклиф этилади.

Дарвоқе маҳкумлар бевосита ёки уларнинг вакиллари орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга. Маҳкумларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Зеро, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкумларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни ташкил этилишини таъминлайди.

Ўз навбатида, маҳкумнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши билан боғлиқ бўлган ташрифлар сони бошқа ташрифларни амалга оширишда ҳисобга олинмайди. Зотан, маҳкумлар, агар қонунга зид бўлмаса, турмуш қуришлари, ажрашишлари ёки бошқа оилавий муносабатларда иштирок этишлари мумкин.

Ҳолбуки, маҳкумларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Демак, маҳкумнинг ҳуқуқий мақоми жинойи жазонинг муайян турини ижро этиш билан боғлиқ ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар йиғиндисидир.

Жазони ижро этиш жараёнида маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати унинг хулқ-атворига қараб ҳам ёмонлашув, ҳам яхшиланиш йўналишида ўзгариши мумкин. Ҳозирги кунга келиб республикамиз жинойи жазони ижро этиш тизими фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

Чунки, жиноят-ижроия сиёсатига нафақат бизнинг республикамизда, балки кўшни ва хорижий давлатларда ҳам ички сиёсатнинг муҳим ва долзарб йўналишларидан бири сифатида қаралапти.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уфимцева Н.Ф. Пенитенциарная социальная работа. [https://cyberleninka.ru/article/n/penitentsiarnaya-sotsialnaya.](https://cyberleninka.ru/article/n/penitentsiarnaya-sotsialnaya;); (мурожаат қилинган сана 10.04.2026)

2. Насиров Н.И. Пенитенциарная взаимоотношения, их сущность и содержание <https://cyberleninka.ru/article/n/penitentsiarnye-pravootnosheniya> (мурожаат қилинган сана 10.04.2026)
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.04.2026).
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // URL: <http://lex.uz/docs/163629> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.04.2026).
5. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 669-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 625-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ3200-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.04.2026).
8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 174-сон буйруғи. // <https://lex.uz/docs/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.04.2026).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 25.04.2026).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-207-сон қарори. // <https://lex.uz/docs/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.05.2026).